196
ФИЛОЛОГИЯ САГУ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

196 (1716) | 2 октябрь, 1960 йил, якшанба | Баҳоси 20 тийин.



Нью-Йорк. Н. С. Хрушчев, Г. Георгиу-Деж, Т. Живков, Н. В. Подгорний, А. Новотний ўртоқлар Нью-Йоркдаги совет ваколатхонаси биноси олдида.
ТАСС махсус фотомухбири В. Егоров фотоси.

Пленумга муносиб совғалар

Тошкент областининг чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети октябрь Пленумини муносиб кутиб олишга нитилиб, ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар ва давлатга белгиланган пландагига қўшимча равишда 1478 центнер жун сотдилар ва 1965 йил даражасига етиб олдилар:

Олинган мажбурият ҳисобидан давлатга яна қўшимча равишда 1300 центнер жун сотилади.

Янгиер шаҳри, Бўстонлиқ, Қуйи Чирчиқ, Гулистон, Бекобод районлари, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари совхозларининг чорвадорлари давлатга жун сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариб, яхши муваффақиятларга эришдилар.

* * *

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Бу, давлатга ана шу экинлар маҳсулоти сотиш планини муддатидан илгари — 30 сентябрда 100,1 процент қилиб бажариш имконини берди.

Давлатга ҳаммаси бўлиб 45 минг тонна, яъни 1959 йилнинг шу муддатидагига нисбатан 10 минг тонна кўп полиз экинлари маҳсулоти сотилди.

Янгиер шаҳрининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу соҳада ажойиб муваффақиятга эришдилар. Улар давлатга уч йиллик план миқдорида полиз экинлари маҳсулоти сотдилар. Шунингдек Сирдарё, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Гулистон, Чиноз ва Янгийўл районларининг колхоз ва совхозлари ҳам давлатга полиз экинлари маҳсулоти сотиш планини анча ошириб бажардилар.

Айни вақтда умумиттифоқ фондига полиз экинлари маҳсулоти етказиб бериш плани ҳам муддатидан илгари бажарилди.

* * *

КПСС XXI съезди ва партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларидан илҳомланган Оржоникидзе районининг чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг октябрь Пленумини муносиб кутиб олиш учун курашни кенг қизитиб, 28 сентябрда сут сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажардилар.

Район колхоз ва совхозларининг коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми очиладиган кунгача давлатга сут сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини тўла бажарди ва давлатга ҳаммаси бўлиб 5 минг тонна сут сотишга қарор қилдилар.

Ҳамма терим машиналарини тўла ишга солайлик!

Ўзбекистон КП Марказий Комитети машина теримини янада кучайтириб юбориш ҳақида қарор қабул қилди

Ўзбекистон КП Марказий Комитети пахта ҳосилини машинада йиғиб-териб олишга тайёргарлик ва машина теримини кучайтириб юбориш тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети кўпгина колхозлар ва совхозлар ҳосилни механизация воситаси билан йиғиб-териб олишга тайёргарликни тамомламаганликларини ва ҳосилни машинада териб олишни жуда секин олиб бораётганликларини қайд қилиб ўтди.

Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССР да 169 та пахта териш машинаси ремонт қилинмаган. Машина теримига ажратилган майдоннинг 11 процентида ғўза баргига ҳалигача дори сепилмаган. Ҳолбуки, бу иш 25 сентябрдаёқ тамомланиши керак эди. Андижон ва Фарғона областларида ғўза баргига дори сепишни барвақт ўтказиш учун шароит қулай келди. Лекин айрим партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ҳамда совхоз раҳбарларининг ўжарлиги ва консервативлиги оқибатида дори сепиш йўл қўйиб бўлмаслик даражада чўзилиб кетди, катта майдонларда эса ғўзага ҳали ҳам дори сепилгани йўқ.

Колхоз ва совхозлардаги мавжуд 8047 та пахта териш машинасидан фақат 4535 таси ишга туширилган. Тошкент областида 648 та, Фарғона областида 552 та, Андижон областида 529 та, Самарқанд областида 672 та, Бухоро областида 151 та, Сурхондарё областида 271 та, Хоразм областида 287 та ва Қорақалпоғистон АССР да 402 та пахта териш машинаси бекор ётипти.

Пахта териш машиналарининг кўпчилиги бир сменада ишлатилмоқда. Ташкилий сабабларга кўра машиналарнинг кўплаб бекор туриш ҳоллари бор. Ишга туширилган ҳар бир машинада бир кеча-кундузда республикада ўрта ҳисобда атиги 1,2 тонна, Тошкент областида эса 0,98 тонна, Хоразм областида 1,12 тонна ва Қорақалпоғистон АССР да 0,95 тонна пахта терилмоқда.

Машина теримини уюштиришда жиддий камчиликлар бор. Бунинг оқибатида пахта териш агрегатлари билан бор-йўғи 29.427 тонна пахта терилди. Бу, бултур шу вақтгача терилганидан қариб икки баравар камдир. Андижон ва Хоразм областлари, шунингдек Қорақалпоғистон АССР пахта тайёрлашда анча тез суръатлар билан бораётган бўлса ҳам, машина теримида ҳаддан ташқари орқада қолаётгани мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Кўпгина колхоз ва совхозлар ҳосилни йиғиб-териб олишни поток усулида ташкил этишга ва пахтани қоп-қанорсиз ташишга тегишли эътибор бермаётирлар. Ҳолбуки, бу, машина терими технологиясини такомиллаштиришда қўйилган янги муҳим қадам бўлиб, машина теримининг иқтисодий афзаллигини анча ошириш, кўпгина меҳнат ва маблағларни тежаб қолиш имкониятини беради.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети «Малик», «Оққўрғон», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозларида, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли колхозларда ва бошқа бир қатор хўжаликларда, шунингдек, комплекс механизациялашган кўпгина трактор-далачилик бригадаларида машина терими яхши ташкил этилганлигини қайд қилиб ўтди. Ўнлаб механик-ҳайдовчилар ҳозирнинг ўзидаёқ 50-60 тоннадан ва ундан зиёдроқ, Фарғона областидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг механизатори Қурбон Кенжаев эса 100 тонна пахта тердилар. Бироқ, деб алоҳида қайд қилинади Марказий Комитет қарорида, бу, илғор тажриба кенг оммалаштирилмаётир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети пахтани машинада териб олишнинг ташкил қилиниши қониқарсиз, деб топди ва Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ҳамда район партия ва совет ташкилотларидан пахта териш техникасининг ҳаммасидан юқори унумли фойдаланиш учун юқорида қайд қилиб ўтилган камчиликларни дарҳол тугатишни талаб қилди. Область ва район партия комитетлари, колхозларнинг, совхозларнинг ва РТС ларнинг бошланғич партия ташкилотларига машина терими юзасидан олинган мажбуриятнинг ҳар бир колхоз ва совхоз бўйича бажарилишини таъминлаш таклиф қилинди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, колхозларнинг, совхозларнинг ва РТС ларнинг раҳбарлари зиммасига беш кун муддат ичида пахта териш машиналарининг ҳаммасини ишга тушириш, уларнинг икки сменада юқори унумли ишлашини ташкил этиш, бир қаторли ишлайдиган машинанинг ҳар бири билан бир кеча кундузда ўртача камида 2—3 тоннадан ва икки қаторда ишлайдиган машинанинг ҳар бири билан камида 4—5 тоннадан пахта териш даражасига эришиш вазифаси юклатилди.

Бир сменали ишлашдан икки сменали ишлашга ўтиш пахта териш техникасининг унумдорлигини оширишда жуда катта резерв эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия ташкилотларига бу ишни ўз қўлларига олишни ва ҳар бир пахта териш агрегатининг, айниқса тунда ҳар бир пахта териш машинасининг иши устидан назорат ўрнатишни топширди. Ҳар бир далани машина теримига ҳар тарафлама пухта тайёрлаш — машиналар буриладиган жойларни яхши текислаш, ўқариқларни кўмиш, машина келадиган йўлларни ва кўприкларни тузатиш, бегона ўтларни йўқотиш таклиф қилинди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети машина теримига ажратилган ҳамма майдонда ғўза баргига дори сепишни яқин кунларда тамомлаш ва ғўза барглари яхши тўкилмаган далаларда қайта дорилаш ўтказиш зарурлигини кўрсатди. Самолётлар ва ерда туриб дорилайдиган аппаратлар ёрдами билан ғўзага такрор дори сочиш пайтида аммиак селитрасидан кенг фойдаланиш тавсия этилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети машина теримига ажратилган далаларда пахта фақат машиналар билан териб олиниши керак, машина тушмасдан олдин ана шу далалардаги пахтани қўлда териш манъ қилинади деб кўрсатди.

Марказий Комитет пахтани машинада йиғиб-териб олишни ва тайёрлашнинг поток усулини, пахтани қоп-қанорсиз ташишни кенг қўлланишни тавсия қилди. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш юзасидан берилган топшириқ ҳар бир колхоз ва совхозда бажарилиши керак. Пахта териш машиналарининг сифатли ишлаши устидан назорат ўрнатиш, машиналарга кеча-кундуз узлуксиз равишда техника хизмати кўрсатиб турилишини таъминлаш таклиф қилинди.

Хўжаликларнинг ва партия ташкилотларининг раҳбарларига механизаторлар тўғрисида меҳрибончилик ва ғамхўрлик қилиш, бевосита далада уларга иссиқ овқат қилиб бериш, механизаторларга иш ҳақини ўз вақтида бериб туриш, механик-ҳайдовчиларнинг социалистик мусобақасини мунтазам якунлаб бориш, илғорларни рағбатлантириш, илғор механик-ҳайдовчиларнинг, айниқса пахта териш машинасини биринчи марта бошқараётган ва техниканинг кучидан юқори унумли фойдаланишда намуна кўрсатаётган хотинқиз механик-ҳайдовчиларнинг яхши тажрибаларини кенг оммалаштириш таклиф қилинди.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Нью-Йоркда бўлиши

НЬЮ-ЙОРК, 30 сентябрь. СССР Министрлар Советининг Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 30 сентябрда Нью-Йоркдаги совет ваколатхонасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қатнашаётган делегациялар бошлиқлари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи бош министр Неру, Бирлашган Араб Республикаси делегациясининг бошлиғи президент Г. Носир, Польша делегациясининг бошлиғи В. Гомулка, Чехословакия делегациясининг бошлиғи президент А. Новотний, Венгрия делегациясининг бошлиғи Я. Кадар, Югославия делегациясининг бошлиғи президент Тито, Руминия делегациясининг бошлиғи Г. Георгиу-Деж, Болгария делегациясининг бошлиғи Т. Живков, Албания делегациясининг бошлиғи М. Шеху, Украина ССР делегациясининг бошлиғи Н. В. Подгорний, Белоруссия ССР делегациясининг бошлиғи К. Т. Мазуров, Камбоджа делегациясининг бошлиғи — давлат бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук, Непал делегациясининг бошлиғи бош министр Коирала, Ливан делегациясининг бошлиғи бош министр Салом, Марокаш делегациясининг бошлиғи бош министр ўринбосари шаҳзода Мулай Ҳасан ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан делегация аъзолари ва маслаҳатчилар қатнашдилар.

Учрашув вақтида делегациялар бошлиқлари ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг ишига доир масалалар юзасидан фикр олишилди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 30 сентябрь. СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 30 сентябрда Нью-Йоркдаги совет элчихонасида Индонезия Республикасининг президенти Сукарно билан учрашди.

Н. С. Хрушчев ва Сукарно учрашиш вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг иши ва Совет-Индонезия муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр олишдилар.

Учрашув дўстона вазиятда ўтди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 30 сентябрь. СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қатнашаётган совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев 30 сентябрда куннинг биринчи ярмида Эфиопия делегациясининг бошлиғи Аклилоу Абтеволд билан учрашди.

Н. С. Хрушчев ва Аклилоу Абтеволд дўстона суҳбат вақтида бир қанча муҳим халқаро масалалар тўғрисида, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси шу сессиясининг ишига доир масалалар юзасидан фикр олишдилар.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 30 сентябрь. (ТАСС). Бугун Н. С. Хрушчев Афғонистон делегациясининг бошлиғи, Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Сардор Муҳаммад Наим томонидан «Уолдорф-Астория»да ўтказилган қабул маросимида ҳозир бўлди.

Самимий дўстона вазиятда ўтган қабул маросимида БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида қатнашувчи бошқа делегацияларнинг раҳбарлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Улуғ Хитой халқига самимий табриклар

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Хитой Коммунистик партияси ва Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари Мао Цзэ-дун, Лю Шао-ци, Чжу Дэ ва Чжоу Энь-лай ўртоқларга телеграмма юбориб, уларни ва бутун қардош Хитой халқини Хитой Халқ Республикасининг ўн бир йиллиги билан самимий табрикладилар ҳамда социалистик қурилишда, бутун дунёда тинчлик учун курашда улуғ Хитой халқига янгидан-янги катта муваффақиятлар тиладилар.

Совет ва хитой халқлари, дейилади телеграммада, иккала мамлакатимизнинг туб манфаатларига муносиб бўлган бузилмас дўстлик воситалари орқали боғлангандирлар. Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва барча социалистик мамлакатларнинг дўстлиги ва жипслиги замонамизнинг қудратли омили бўлиб, эндиликда инсоният тараққиётининг бутун боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Социалистик мамлакатлар, деб таъкидланади телеграммада, социал тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини амалга ошириш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориб, империалистик доираларнинг агрессив кирдикорларини фош қилиб, барча халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар, ер юзида тинчлик ва хавфсизлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

* * *

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Хитой Халқ Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри ўртоқ Чэнь Ига табрик телеграммаси юборди. (ТАСС).

Хитой Халқ Республикасининг элчихонасида қабул маросими

Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган куннинг ўн бир йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Лю Сяо 30 сентябрда катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Я. Э. Калнберзин ўртоқлар, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Н. Органов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков ва Д. Ф. Устинов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси С. М. Буденний, СССР ва РСФСР министрлари, давлат комитетларининг раислари, марказий муассаса ва бошқармаларнинг раҳбарлари, Совет Иттифоқи маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг генераллари ва адмираллари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг, КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари, фан ва маданият арбоблари, пойтахт жамоат ташкилотларининг ва корхоналарининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида Лю Сяо ва Ф. Р. Козлов нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Қабул маросими катта самимият ва дўстлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

(Социалистик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар номи	Бир кунда	Максум бошидан	Районлар номи	Бир кунда	Максум бошидан
Юқори Чирчиқ	2,83	33,85	Қуйи Чирчиқ	2,05	16,17
Ўрта Чирчиқ	2,08	22,29	Оржоникидзе	1,70	15,67
Чиноз	2,27	21,34	Янгийўл	1,16	14,63
Пискент	2,0	20,42	Гулистон	1,32	14,45
Оққўрғон	1,86	17,93	Бекобод	1,23	12,52
Бўка	1,61	17,36	Янгийўл	1,27	11,02
Сирдарё	1,72	17,15			

СОВЕТ ИТТИФОҚИ НИГЕРИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАНИДИ

Нигерия Федерацияси мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Нигерия Федерациясининг бош министри Алҳожи Абубакар Тафава Балевага телеграмма юборди.

Совет ҳукумати, дейилади телеграммада, барча мамлакатлар билан, уларнинг социал-сиёсий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ўзининг тинчдиксеварлик сиёсати принципларига амал қилиб ва Нигерия халқига самимий ҳурмат туйғуларини изҳор этиб, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Нигерия Федерациясини мустақил ва суверен давлат деб таниганлигини ва у билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳамда бир-бирларига дипломатия вакилликлари юборишга тайёр эканлигини тантанали суратда билдиради. (ТАСС).

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ва тайёрлаш юзасидан республика областлари, районлари ва совхозлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1960 йил сентябрь ойи учинчи ўн кунлик якунига доир Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ҳалқ хўжалиги кенгаши томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, **қарор қилдилар**.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сурхондарё областига**, Бухоро областидаги **Рометон районига**, Хоразм областидаги **Янгиариқ районига**, Фарғона областидаги **Ўзбекистон районига**, Қорақалпоғистон АССРдаги **Бируний районига** берилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Хоразм областида**, Сурхондарё областидаги **Бешкент районида**, Андижон областидаги **Ленин районида**, Самарқанд областидаги **Жиззах районида** қолдирилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ** районида қолдирилди. (Район партия комитетининг секретари **Ким**, район ижроия комитетининг раиси **Иброҳимов**, район комсомол комитетининг секретари **Султонова** ўртоқлар), бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 41,5 процент бажарган ва 10 кун ичида давлатга 26,0 процент пахта сотган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Фарғона областидаги **Ҳамза Ҳакимзода номли совхозга** берилди.

Ўтган ўнкунликда пахта тайёрлаш ва уни давлатга сотишда Бухоро, Фарғона областларининг колхоз ва совхозлари, шунингдек Қамаши, Свердлов, Бағдод, Ўрта Чирчиқ, Чинобод, Хонқа ва Амударё районларининг яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги зиммасига пахта теришда намуна кўрсатиб ишлаган колхозчиларни, РТС ва совхозларнинг ишчиларини, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, тайёрлов органларининг ходимларини, шунингдек граждан ҳаво флотининг ғўза баргини тўкиш учун дори сепишда намуна кўрсатган учувчиларини мукофотлаш учун Сурхондарё ва Хоразм областларига 25 минг сўмдан, Бешкент, Ленин, Юқори Чирчиқ, Жиззах, Ўзбекистон, Рометон, Янгиариқ ва Бируний район ижроия комитетлари ихтиёрига 10 минг сўмдан ҳамда Фарғона областидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхозга эса 5 минг сўм пул юбориш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон КП Тошкент область Комитети ва область ижроия комитетида

Илғорларга кўчма Қизил байроқ бериш тўғрисида

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш ва уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 26 сентябрдан 1 октябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Чиноз районида** қолдирилди. (Район партия комитетининг секретари **Н. Қиргизбоев**, район ижроия комитети раисининг ўринбосари **С. Тойиров**, район комсомол комитетининг секретари **Г. Рўзматова**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи **А. Тўйичев** ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятини 21,34 процент бажарган ва машинада 5,65 процент пахта терган, ўтган 5 кунликда 8,50 процент миқдорида пахта тайёрлашга ва 3,6 процент пахтани машинада теришга эришган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Қуйи Чирчиқ районига** берилди. (Район партия комитетининг секретари **И Сотиболдиев**, район ижроия комитетининг раиси **И. А. Ли**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Исломов**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи **В. Азизов** ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятини 16,17 процент ва машинада пахта териш планини 10,6 процент бажарган. Ўтган 5 кунликда эса 8,43 процент миқдорида пахта тайёрлаш ва 9,7 процент пахтани машинада теришга эришган. Байроқ Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оққўрғон** районидаги **«Оққўрғон» совхозига** берилди. (Директори **Ж. Акрамов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Бердиев** ўртоқлар). Бу совхоз бўйича давлатга пахта сотиш юзасидан олинган мажбурият 17,04 процент ва машинада пахта териш плани 11,9 процент бажарилган, ўтган 5 кун ичида 8,13 процент ўсишга эришилган, 13,4 процент пахта машина билан терилган. Байроқ Киров номли совхозидан олиб берилди.

Пахтани йиғиб-териб олиш ва уни давлатга сотишда намуна кўрсатиб ишлаётган илғор колхозчиларни, совхоз ишчиларини ва механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Чиноз ҳамда Қуйи Чирчиқ районларига 3 минг сўмдан, «Оққўрғон» совхозига эса 1500 сўм пул ажратилди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети 21 сентябрдан 1 октябргача давлатга луб экинлари пояси сотиш планининг бажарилиш якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ районига** берилди. (Район партия комитетининг секретари **М. В. Ким**, район ижроия комитетининг раиси **И. Иброҳимов**, район комсомол комитетининг секретари **И. Султонова**, қишлоқ хўжалиги бўйича район инспекциясининг бошлиғи **А. Медведев** ўртоқлар). Бу район ўтган 10 кунликда 24,6 процент миқдорида каноп пояси тайёрлаган ва давлатга луб ҳосили сотиш планини 120 процент бажарган. Байроқ Қуйи Чирчиқ районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ** районидаги **«Ўзбекистон» колхозига** берилди. (Колхоз раиси **Пак-Ден-Хиб**, партия ташкилотининг секретари **Ш. Утебаев**). Бу колхоз бўйича ўтган 10 кунликда 35,8 процент миқдорида каноп пояси тайёрланган ва давлатга луб ҳосили сотиш плани 157 процент бажарилган. Байроқ Қуйи Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозидан олиб берилди.

Луб поясини йиғиб-териб олишда намуна кўрсатиб ишлаган колхозчиларни мукофотлаш учун Юқори Чирчиқ районига 3 минг сўм пул ажратилди.

Ўтган 10 кун ичида каноп пояси тайёрлаш ва уни давлатга сотишда Қуйи Чирчиқ районидаги **Димитров номли**, Юқори Чирчиқ районидаги **«Политотдел»**, **Свердлов номли** ва **«Правда» колхозларининг** яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

ЛЕНИНЧА ЯШАЙЛИК ВА ИШЛАЙЛИК

В. И. Лениннинг „Ёшлар союзининг вазифалари“ ҳақидаги нутқининг 40 йиллиги муносабати билан

«КОММУНИЗМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БАТАМОМ ҚУРИШ УЧУН ҚУРАШИШ КОММУНИСТИК АХЛОҚНИНГ АСОСИДИР. КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯ БЕРИШ, ЎҚИТИШ ВА БИЛИМ ЎРГАТИШНИНГ АСОСИ ҲАМ МАНА ШУНДАН ИБОРАТ. КОММУНИЗМНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ КЕРАК, ДЕГАН САВОЛГА ЖАВОБ ҲАМ ШУНДАН ИБОРАТ».

В. И. ЛЕНИН.

«ЁШЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗДИР! УЛАР ЎЗ ОТАЛАРИ БИЛАН БИРГА, УЛАР БИЛАН БИРЛИКДА ДУНЁНИ ХАЙРАТДА ҚОЛДИРАЁТГАН ИШЛАРНИ ҚИЛМОҚДАЛАР. КОММУНИЗМНИ ҚУРИБ БЎЛИШИМИЗНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ГАРОВИ ҲАМ МАНА ШУДИР».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

КОММУНИСТИК ТАРБИЯНИНГ БУЮК ПРОГРАММАСИ

Бундан 40 йил илгари меҳнаткашларнинг улуғ доҳиси ва мураббийси В. И. Ленин комсомолнинг III Бутунроссия съездида комсомол ташкилотларининг бутун сўнгги йиллардаги фаолияти учун, янги совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялаш учун программа бўлиб қолган нутқини сўзлади.

В. И. Ленин бу нутқни мамлакатимизда помешчик-капиталистлар тузуми тор-мор этилган ва гражданлар уруши ўтларида тобланган ёш совет республикаси тинч хўжалик қурилишига киришган кунларда сўзлаган эди.

В. И. Ленин ёш авлодга мурожаат қилиб: «Эски жамият тор-мор қилинди, уни шундай тор-мор қилиш керак ҳам эди, у бир вайрона бўлиб қолди, уни шундай бир вайронага айлантириш керак ҳам эди. Замин тозаланди ва ёш коммунистик авлод мана шу замин устида коммунистик жамият қурмоғи лозим», (Асарлар, 31 том, 298-бет), деган эди. Ёш авлод, деган эди улуғ доҳи, коммунистик жамиятни қўради ва бу жамиятни унинг ўзи қуради.

В. И. Ленин совет ёшларининг илғор отряди бўлган комсомол олдига ўқиш вазифасини қўйди.

Бироқ нимани ўқиш ва қандай ўқиш керак?

Коммунистик ёшлар союзи, дейди В. И. Ленин, ўз зиммасига партияга коммунизм қуришда ёрдам бериш, барча ёш авлодга коммунистик жамиятни барпо этишда ёрдамлашиш вазифасини олди. Янги коммунистик жамиятни эса фақат ҳозирги замон билимлари асосида, илғор фан ва техника асосида барпо этиш мумкин. Бинобарин, билимни, фанни, техниканы ва маданиятни эгаллаш керак. Онгни кишилик жамияти томонидан тўпланган барча билим ҳазиналари билан бойитиш, уни янги жамият қуришга хизмат қилдириш керак.

Лекин ўқиш, билимларни эгаллаш-ёдлаб олиш, тайёр формула ва қоидаларни ўрганиб олиш, қирсатхонлик ва ҳарфхўрлик билан шуғулланиш деган сўз эмас. Ленин инсониятнинг ақл-идроки билан вужудга келтирилган илм бойликлари танқидий нуқтаий назар билан қайта ишлаб чиқилиши, ишчилар ҳаракатида текшириб кўрилиши лозимлигини алоҳида уқтириб кўрсатди.

Илм, фан, техника ва маданиятни тажриба билан, кундалик амалий фаолият билан, коммунизм учун олиб борилаётган кундалик кураш билан чамбарчас боғлаган ҳолда ўрганиш асосидагина чиқишга эгаллаш мумкин.

В. И. Лениннинг нутқи ҳозирги куннинг ҳам ҳаракат программасидир.

Яқинда КПСС Марказий Комитетида идеология масалалари юзасидан ўтказилган кенгашда партия кейинги йилларда идеология соҳасида амалга оширган тадбирларнинг асосий маъноси идеология ишининг ленинча услубини, ленинча методларини тиклаш ва янада ривожлантиришдан, идеология масалаларига янги тарихий шароитлар ва коммунистик қурилиш вазифаларига мувофиқ ижодий тарзда ёндошишдан иборат эканлиги кўрсатилди. Ҳозирги вақтдаги бутун ғоявий-тарбиявий ишнинг бош йўли оммани етти йиллик планни муваффақиятли равишда амалга оширишга сафарбар этишдан, меҳнаткашларни қаҳрамонона меҳнатга илҳомлантириш ва коммунизм учун умумхалқ курашини ташкил этишдан иборатдир.

В. И. Ленин ўз нутқида коммунистик ахлоқ масалаларига ҳам катта эътибор берди.

Ахлоқ (одоб) — ижтимоий онг формаларидан биридир. Бу — тарихан ўзгарувчан одоб қоидалари билан кишиларнинг бир-бирларига, оилага, ўз синфларига, жамиятга муносабатларини тартибга солиб турувчи нормалар бирлигидир.

Ахлоқ нормалари жамият муносабатларининг тарихан у ёки бу системаси билан боғлангандир. Ахлоқ устқурманнинг ажралмас қисми сифатида жамиятнинг базиси, яъни унинг ҳозирги ривожланиш палласидаги иқтисодий тузуми билан белгиланади.

Қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятда ахлоқ муқаррар равишда синфий характерга эга бўлади. Ҳар бир синф ўзига хос ахлоққа, ўз одоб принципларига, яхшилик ва ёмонлик ҳақида, адолат ва адолатсизлик ҳақида ўз тасаввурига эга. Буржуа жамиятида капиталистлар ишчиларни эксплуатация қилишни, миллионларча кишиларни ўз қулларига айлантиришни, мустамлака халқларини эзишни «одобдан», «адолатдан» деб ҳисоблайдилар; ишчилар эса буни тўла асос билан одобсизлик, адолатсизлик, ваҳшийлик ва кишини ҳақорат қилиш деб биладилар.

Буржуазия ахлоқи — ваҳшийлик ҳулқини тарғиб қилувчи ва уни вужудга келтирувчи йиртқичлар ахлоқидир. Эски жамият деган эди В. И. Ленин, шундай бир принципга асосланган эдики, ё сен бировни талайсан, ёки сени биров талайди, ё сен бировга ишлайсан, ёки биров сенга ишлайди, ё сен қулдор бўласан, ёки ўзинг қул бўласан.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатларини олайлик. Капитализмнинг «юраги» деб аталган бу мамлакатда ҳамма нарса пулга — долларга итоат қилади. Ваҳшиёна эксплуатация, демократияни бўғиш, ирқий камситиш, ҳуқуқсизлик ҳозирги америкача турмушга хос хусусиятлардир. Совет ҳукуматининг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясига боришине бутун дунёдаги прогрессив жамоатчилик маъқуллаётган. Лекин тинчликдан манфаатдор бўлмаган Америка империалистлари Совет ҳукумати бошлиғининг ва бошқа бир қатор мамлакатлар делегацияларининг нормал ишлашига турли йўллар билан халақит берётирлар. Н. С. Хрушчев Гленковда мухбирларнинг саволларига жавоб бераётганида, пулга сотилган бир тўда безорилар шовқин-сурон кўтариб, унга халақит беришга уринди. Шунда Н. С. Хрушчев: «Мана, сизга Америка «маданийт»нинг кўринишларидан бири», деб буржуа ахлоқининг разиллигини фош қилди.

Улуғ ғоялар, олижаноб сезгилар, юксак идеаллар, соф инсоний севги ахлоқи бўлган коммунистик ахлоқ чириган буржуазия ахлоқига бутунлай қарама-қаршидир.

Коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир. Коммунистик ахлоқнинг В. И. Ленин томонидан белгилаб берилган бош формуласининг маъноси ҳам мана шундан иборат.

Меҳнаткашларнинг манфаатларига, халқ манфаатларига хизмат қиладиган нарсанинг ҳаммаси, кишиликни эксплуатация ва жабрзулмдан қутқарадиган, коммунизм манфаатларига хизмат қиладиган нарсанинг ҳаммаси ахлоқ, ҳулқ ҳисобланади.

Ахлоқ, деган эди В. И. Ленин, кишилик жамиятига юқори босқичга кўтарилиш, меҳнатни эксплуатация қилишдан қутилиш учун хизмат қилади. Коммунист ёшлар союзи ўзининг таълим-тарбия ва билим олишда қўйган ҳар бир қадамини барча меҳнаткашларнинг эксплуататорларга қарши умумий курашда қатнашиши билан боғлаб боргандагина коммунист ёшлар авлодининг союзи деган номга муносиб бўла олади.

Улуғ доҳи ёшларни кўпчилик манфаатлари йўлида, социалистик давлат манфаатлари йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилишга, ўзларининг бутун кучларини умумхалқ иши учун сарфлашга чақирди.

В. И. Ленин ёш авлод коммунизмни кўради ва бу жамиятни унинг ўзи қуради, деб башорат қилганидан буён орадан қирқ йил ўтди. Шу даврмобайнида Ватанимиз қиёфаси тубдан ўзгарди.

Ўтмишда қашшоқ ва чет эл капиталига қарам бўлган Ватанимиз эндиликда энг қудратли давлатга, тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг таянчига айланди.

Совет халқи марксизм-ленинизм таълимоти асосида, Коммунистик партия раҳбарлигида кишиликнинг азалий орзусини рўёбга чиқариб, социализмнинг тўла ғалабасига эришди.

Партиянинг яқин ёрдамчиси ва унинг жанговар резерви бўлган ленинчи Коммунист ёшлар союзи шу йиллар давомида коммунизм қурувчиларнинг биринчи қаторларида бўлди. Комсомолнинг III съездигача 400 минг кишилик союздан иборат бўлган совет ёшларининг авангарди ҳозирги вақтда кўп миллионли оммавий ташкилотга айланди.

Комсомол хўжалик ва маданий қурилишда бўлгани каби Ватан ҳимоячиларининг биринчи қаторида бўлди. Улуғ Ватан уруши фронтларида, душманнинг орқа томонида қаҳрамонона жанг қилган Николай Гастелло, Александр Матросов, Юрий Смирнов, Зоя Космодемьянская, Краснодон ёш гвардиячилари ва бошқалар ўзларини тарбиялаб етиштирган комсомол номини абадий шон-шуҳрат билан қопладилар.

Комсомол ва ёшлар урушдан кейинги беш йилликларни амалга оширишда ҳам жуда катта жасорат ва матонат кўрсатдилар, партиянинг нидоси билан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, янги шаҳарлар, фабрика ва заводлар, шахталар қуришга отландилар. Улар коммунистик қурилишнинг КПСС XXI съезди белгилаб берган улуғвор программаси — етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашининг олдинги сафида бормоқдалар. Областимизнинг комсомол тарбиялаб етиштирган Саид Нуриддинов, Турсуной Оҳунова, Тошмамат Алижонов каби донгдор кишилари саноат ва қишлоқ хўжалигини хусусан пахтачиликни ривожлантириш учун олиб борилаётган курашда социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Комсомоллар Мирзачўлни боғи-бўстонга айлантирмоқдалар, Катта Оҳангарон қурилишида, хуллас энг қийин участкаларда эўр жонбозлик кўрсатиб ишлаётирлар.

Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган Коммунист ёшлар союзи Лениннинг, коммунизм қуришни барча совет ёшларига бошчилик қилган ҳолда китобдан, ҳаётдан, фидокорона меҳнатдан, янги коммунистик жамият учун кундалик курашдан ўрганиш керак, деган васиятини муқаддас билиб амалга оширмоқда.

СССР Олий Совети «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамкаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида» қабул қилган Қонун коммунизм қурувчиларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга.

Комсомолнинг олдида ҳозирги вақтда жуда катта вазифалар турибди. Мамлакатимиз ўз ривожланишининг янги, муҳим босқичига — коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврига қадам қўйди. Коммунизм ҳаётимизга кириб бормоқда. Коммунизмга ўтиш учун фақат қудратли моддий-техника базасигина эмас, балки шу билан бир қаторда социалистик жамият барча гражданларининг юксак даражадаги онглилиги ҳам зарурдир.

Коммунизм манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилиш янги кишини тарбиялашнинг асоси ҳисобланади. Коммунизм тушунчасини меҳнатда ҳосил қилиш лозим. Ёшларимиз орасида социализмнинг «Ишламаган тишламайди» деган улуғ принципига риоя қилмовчи бironта ҳам текинхўр, дангаса бўлмаслиги керак.

Коммунистик жамият — меҳнаткашлар жамиятидир. Коммунизм кўнгилли, онгли равишда бирлашиб, янги жамият меҳнаткашларининг илғор техникадан фойдаланиш асосида юксак меҳнат унумдорлигига эришиши демакдир.

Комсомол партиянинг содиқ ёрдамчиси сифатида ёшларни коллективизм ва меҳнатга муҳаббат, социалистик интернационализм ва ватанпарварлик, партия ва халққа содиқлик руҳида тарбиялаш керак.

Совет кишилари ўзларининг юксак ахлоқий даражаларини бутун дунё олдида намойиш қилиб кўрсатдилар. Шонли революцион традициялар давомчиси бўлган ёшларимиз давримизга — Ленин кўрсатмалари амалга оширилаётган буюк даврга муносиб кишилар бўлмоқлари лозим.

М. ЛУЦКИЙ,
профессор.



Суратда: Владимир Ильич Ленин комсомолнинг III съезди делегатлари орасида.

БАХТНИ МЕҲНАТДАН ТОПДИМ

Бизнинг замонамизда ҳалол меҳнат кишини бахтга элтади. Унга келажакнинг ёруғ йўлларини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам отабоболаримиз «Меҳнатнинг таги роҳат» деб жуда ақлли фикрни ўртага ташлаганлар.

Худди шундай, бизда улуғ доҳимиз Владимир Ильич Лениннинг васиятларига амал қилиб, коммунистчасига яшаш ва ишлаш муқаддас ва шарафли бурч бўлиб қолди. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун! Биз совет кишиларининг бугунги олижаноб шиори шу!

Ўтган йили колхоз правлениеси менга 16 бош соғин сигир биркиттан эди. Эл-юртни сут-ёғ, гўштга сероб қилиш йўлида бошланган катта курашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилдим. Ҳар бир сигирдан 5 минг литрдан ошириб сут соғиб олдим. Партия ва ҳукуматимиз, халқимиз хизматимни муносиб тақдирлади. Энг юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирландим. Бу мени янгича ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга руҳлантирди.

Шу йилнинг навбаҳорида районимиздаги ўрта мактабни тамомлаган юз қиз сутчилик фермаларига бориб ишлашга аҳд қилишди. Чунки улар ленинча яшаш ва ишлашдек ширин туйғуни қалбларига жо қилган эдилар. Яхши ниятнинг самараси мана энди яққол кўзга ташланиб турибди. Шогирдларим Муяссар Қосимова, Маҳмуда Муродова, Дилбар Одиловалар шу кунгача ўзларига биркитилган ҳар бир соғин сигирдан 3,5—4 минг литрдан сут соғиб олдилар. Мен ўзим 20 бош соғин сигирдан она-Ватанга 87 минг килограмм сут етказиб бердим.

Мана шуларнинг ўзи бизнинг эдимизда меҳнат нақадар қадрли эканлигини, меҳнат кишига чиқакам бахт келтиришини кўрсатиб турибди.

Зуҳра КОМИЛОВА,
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Комсомоллар теримда илғор

Бизнинг колхоз комсомол ташкилоти райондаги энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ташкилотимиз ҳисобида 300 комсомол аъзоси бор. Уларнинг жуда кўпчилиги ленинчи Коммунист ёшлар союзининг аъзоларига муносиб равишда меҳнат қилмоқдалар.

Шу кунларда ёшларимизнинг қилаётган меҳнати ҳаммани қувонтирмоқда. Уларнинг кўпи пахта-йиғим теримида актив қатнашиб, комсомоллик бурчини шараф билан бажармоқдалар. Минорам Ғуломова, Ғулнора Абдурахмонова, Нуқражон Мирзаева каби комсомол-ёшларимизнинг ишларини алоҳида қайд қилиш керак.

Колхозимизда 100 дан ортиқ комсомол аъзоси кундалик терим нормаларини 1,5 — 2 баравардан бажаришга эришаётир. Ёшларимиз ўртасида кўпминг килограммчилар сони кундан-кунга ортиб бораяпти.

Биз Владимир Ильичнинг ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш керак деган васиятига амал қилиб, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш билан бирга, ўз билимимизни ҳам оширмоқдамиз. Ҳозир ташкилотимиз ҳисобидаги комсомолларнинг ярмидан кўпроғи ўрта маълумотлидир. Кўпларимиз пахта далаларида самарали ишлаш билан бирга, кечки мактабларда, олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида ўқиб, ўз билимимизни тобора чуқурлаштираётирмиз.

Биз ёшлар доҳимиз айтганидек ўқиб, ўз ижодий меҳнатимиз билан коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Ф. ШАҲРАМОВ,
Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз комсомол ташкилотининг секретари.

Коммунистик меҳнат ғалабаси учун

Владимир Ильич буюк инсон эди. Ильич келажакнинг тимсолидир. Ахир Ильичдек ишлаб, Ильичдек яшашни ким орзу қилмайди дейсиз!

Москва-сортировочное депоси колдективи коммунистик меҳнат бригадалари деган шарафли номни қозониш учун ҳаракат бошлаганида бу чақириққа бригадамиз аъзолари биринчилар қаторида «лаббай» деб жавоб бердилар.

Ленин васиятларига амал қилиб ишлаётган бригадамизга заводимизда биринчи бўлиб юксак ном берилди. Бунга, шубҳасиз, ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшдик. Ўзбекистон металлургия заводида рус, ўзбек, қозоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, ягона мақсад йўлида астойдил меҳнат қилаётирлар. Қадрдонимиз Ильич ана шундай бузилмас халқлар дўстлигини қанчалар орзу қилган эди.

Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш — Лениннинг асосий васиятларидан бири ана шу. Биз бу кўрсатмага қатъий амал қиляпмиз. 1965 йилга бориб бригадамиздаги 50 дан ортиқ ишчининг ҳаммаси камида ўрта маълумотли бўлади.

Корхонамизда худди бизга ўхшаб Ленин комсомоли тарбиялаган ва тарбиялаётган меҳнатсеварлар оз эмас.

С. НУРИДДИНОВ,
прокат цехининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Ўртоқ Н. С. Хрушчев комсомолнинг XIII съездида сўзлаган нутқида «Лениннинг ўқиш керак деган васияти бугун ҳам ёшларимиз учун қонун бўлиб қолди» деган эди. Ҳақиқатан ҳам бизда ёш авлоднинг чиқакам билим олиши учун барча қулай имкониятлар яратиб берилган.

Кейинги йилларда мактаб таълимини қайта қуриш ва унинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган қарорлар партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин далилидир.

Буни мактабимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Янги ўқув йилидан бошлаб машғулотларни бир сменада олиб боришга ўтдик. Бу тадбирнинг амалга оширилиши ўқитиш ва тарбия ишларини тағин ҳам яхши йўлга қўйиш учун катта имкониятлар очиб берди. Ўқувчиларнинг дарсдан сўнг ижтимоий фойдали меҳнат билан кўпроқ шуғулланишлари учун имконият туғилди.

Политехника таълимини кенг йўлга қўйиш мақсадида янги устахоналар ва қўшимча синф хоналари қурдик. Навоий номли колхознинг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли тез кунлар ичида яна 3 та устахонага эга бўламиз. Кўргазмали ўқув қуроллари ҳам бу хўжалик томонидан бизга совға қилинди.

Мактабимиз ўқитувчилари Ленин васиятларига амал қилиб, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Н. ТУРСУНҚУЛОВ,
Чиноз районидаги 29-саккиз йиллик мактабнинг илмий бўлим мудири.

Доҳи васиятларига амал қилиб

Кишида интизом бўлиши керак. Кимда интизом бўлмас экан, у ҳеч қачон муваффақият қозона олмайди. Мен интизом — муваффақият гарови, муваффақият эса интизомнинг маҳсули деб тушунаман ва бунга доимо амал қиламан. Бу деганим шуки, далага бошқаларга нисбатан барвақт чиқаман, ҳар минутнинг қадрига етаман. Натижада ишим баракали бўлади. Шу кунлари ХВС-1,2 машина билан 4 — 5 тоннага етказиб пахта теряпман. Мени фақат ишнинг суръати қизиқтирмайди. Бажарадиган ишимнинг сифати қандай бўлаяпти — бу масала ҳамиша диққат эътиборимда бўлади.

Мен бошқараётган агрегат давлат мулки. Лекин мен уни ўз мулким деб ҳис қиламан ва жон-дилдан асрайман.

Ленинча ишлайман ва яшайман деган киши ўз сўзининг қатъийлиги учун курашиши керак. Мен бу йил мавсумда ўз агрегатим билан эл хирмонига 200 тонна «оқ олтин» тўкаман деб ваъда берганман. Аҳдимнинг қатъийлиги учун курашаман.

Тиловберди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 3-бўлимининг механиги-ҳайдовчиси.

Янги мактаб-интернатда

Атрофи сербарг дарахтлар билан қопланган кўпқаватли мактаб-интернат биноси. Бинога ярашиб тушган эшик-деразалар ўзини кўз-кўз қилади. Қуёш бино устига нур ёғдириб турибди. Дераза ойналари биллурдек ярқираб, кўзни қамаштиради.

Бинога кирдик. Ўнгда маъмурият жойлашган хоналар, чапда ошхона. Иккинчи қаватга кўтарилдик. Уч томонга чўзилиб кетган кенг ва ёруғ коридорларни айланар эканмиз, қўнғироқнинг жарангли овози эшитилди. Синф хоналаридан ўқитувчилар, кийим боши бир хилда бўлган қувноқ ўғил-қизлар чиқа бошладилар. Орадан кўп ўтмай, коридор яна бўшаб қолди. Синф хоналарида машғулотлар бошланди...

Ошхонадамиз. Бу жой бир пасда ўғил-қизлар билан гавжумлашди. Улар олдиндан белгилаб қўйилган столлар атрофидан жой олиб, зўр иштаҳа билан овқатланишар. Оқ халати ўзига ярашиб тушган тарбиячилар болалар хизматида.

— Бу ерда аввал бошқа ташкилотлар жойлашган эди. Шу йилдан эса мактаб-интернатга айлантирилди, —дейди мактаб-интернат директори Шукур Туртаев.— Ҳозир 500 дан ортиқ ўқувчи таълим олаяпти. Мактаб-интернатда асосан биринчи ва олтинчи синфларда машғулот ўтказилмоқда. Синф хоналари ва ётоғимиз етарли. Ўқув қуролларига боймиз. Ундан ортиқ фан кабинетлари ва кўплаб тўгараклар ишлаб турибди. Мактабимиз ўзининг футбол ва волейбол майдончасига, 650 киши сиғадиган кино залига, ҳаммом ҳамда кир ювиш комбинатларига эга. 100 га яқин ўқитувчи ва тарбиячиларимиз бор. Ўқув тажриба участкамиз 50 гектар- майдонни ташкил этади. Шундан 15 гектари олмазор. Бу йил олма ниҳоятда серҳосил бўлди. Узум, қовун-тарвуз ва бошқа мевалар ҳам ўзимиздан чиқади.

Кунлар ўтади. Мактаб-интернат келажакда 11 йиллик ҳунар мактабига айланади. Бу ердан турли касб эгалари етишиб чиқади. Ўқув-ишлаб чиқариш базаси янада кенгаяди, мустаҳкамланади.

Бу эса бобомиз Ленин васиятларининг партия ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Б. ЭРҚОРОВ.

Ўртоқ Нурихон Нуриддинова Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзолари ҳурмат қиладилар. У бу йилги мавсумда машина билан 160 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган. Шу кунларда у ҳар куни эл хирмонига 3,5—4 тоннадан пахта тўкмоқда. Суратда: комсомол аъзоси ўртоқ Нурихон Нуриддинова рулда.

С. Аҳмедов фотоси.

Пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилайлик

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда пахта тераётган кишилар медицина ходимларининг хизматидан мамнун бўлмоқдалар. Колхознинг ҳар бир бригадасига медицина ходимлари бириктириб қўйилган. Суратда: колхоз касалхонасининг ҳамшираси Ўртоқ Эмма Османова теримчи Азиза Умаралиева билан далада ишлаган вақтда соғлиққа риоя қилиш қоидалари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

☆ Санъаткорлар ҳиссаси

Пахта йиғим-терими оммавий тус олди. Ана шундай долзарб кунларда ҳамма ҳам пахта далаларида бўлиб, эл хирмонига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшгиси келади. Республикамиздаги ижодий ташкилотлар қатори Ўзбекистон Давлат филармониясининг коллективи ҳам ўз ишини пахта терими мавсумига мослаб олиб бораётир.

Яқинда мухбиримиз ана шу ижодий ташкилот директори Ўртоқ Д. Соатқулов билан суҳбатлашиб, мавсумда пахтакорларга кўрсатилаётган маданий хизмат ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Баракали меҳнатдан сўнг дам олиб, ҳордиқ чиқариш нақадар яхши,— деди Ўртоқ Д. Соатқулов.— Коллективимиз ҳам азамат пахтакорларга тамошалар кўрсатиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар.

Дала шийпонларида, қишлоқ клубларида берилаётган концертлар программаси рангба-ранг қилиб тузилган. Унда меҳнатсевар пахтакорларни улуғловчи қўшиқлар ҳам, меҳнат завқини таранум этувчи қувноқ лапарлар ҳам, шўх ва жозибадор рақслар ҳам бор.

Артист Исохар Оқилов бошчилигидаги концерт группаси қисқа вақт ичида Янгийўл, Чиноз районларида тамошалар кўрсатишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда бу санъаткорлар Сирдарё райони меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишаётир.

А. Қодиров бошчилик қилаётган концерт группаси аъзолари ҳам колхозчилар хизматида.

Шу кунларда республикамизда меҳмон бўлиб турган ижодий коллективлар ҳам ўз санъатларини пахтакорларга намойиш қилмоқдалар. Айниқса, мусобақадош Иваново области театри артистларининг концертлари зўр қизиқиш билан тингланди. Севимли артистлар Чирчиқ ва Оҳангарон шаҳарларида ҳам бўлдилар.

Кейинчалик ҳам филармониянинг концерт бригадалари пахтакорларга намунали маданий хизмат кўрсатишни давом эттиради. Биз пахта учун бошланган умумхалқ ишига ҳисса қўшаётганимиз билан фахрланамиз.

КОЛХОЗЧИЛАР МАМНУН

Пахта йиғим-теримига актив қатнашиш ва пахтазор қаҳрамонларига маданий хизмат кўрсатиш область халқ ижоди уйи коллективининг ҳам шу кунги шиори бўлиб қолди.

Жойлардаги клуб ходимлари ҳам, турли тўгарак аъзолари ҳам шу кунларда пахта далаларида бўлиб, маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Халқ талантлари кучи билан кўчма концерт бригаларини ташкил этдик. Бу бригадалар ҳозирги кунда Оржоникидзе, Янгийўл ва Гулистон районларидаги колхозларнинг дала шийпонларида пахтакорларга концертлар қўйиб беришаётир. Гулистон район маданият уйи ва Мирзачўл халқ театри ҳаваскорларининг чиқишлари колхозчиларга ғоят манзур бўлмоқда.

Тематик лекциялар ўтказиш ҳамда кўчма кутубхоналар ташкил этишни ҳам ўз зиммамизга олдик.

Қ. СИРОЖИДДИНОВА,
область халқ ижоди уйининг директори.

Пахтакорлар учун лекциялар

Снёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг область бўлими пахта йиғим-теримида қатнашаётган областимиз меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш учун жойларга лекторларнинг катта бир группасини жўнатди. Шунингдек пахта йиғим-терими вақтида 61 та лекторий мунтазам равишда ишлаб туради.

Пахтакорлар орасида лекция ўқиш учун республикамизда кўзга кўринган олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, фан ва маданият арбоблари жалб қилинмоқда. Жумладан Ўртоқ Э. Раҳимовнинг «Пахта териш машинасинъ қўлланишнинг эффектив тажрибаси тўғрисида», П. И. Вексининг «Ўзбекистондаги пахтачилик совхозларининг ички хўжалик ҳисоби», А. Ортиқовнинг «Ўзбекистондаги пахтачилик колхозларида моддий резервларни сарф-лашни қисқартириш тўғрисида» деган темалардаги лекцияларини пахтакорлар жуда қизиқиб тингламоқдалар.

Махсус агитмашина ҳам районларга жўнаб кетди.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
референт.

НАМУНАЛИ МАДАНИЙ САВДО УЧУН

Пахта йиғим-теримида қатнашаётган кишиларнинг унумли меҳнат қилишини таъминлаш мақсадида уларга хизмат қилиш савдо ташкилотлари ва ходимларининг шарафли бурчидир. Шу мақсадда область матлубот жамияти район ва шаҳар савдо ташкилотлари билан биргаликда пахта йиғим-теримн даврида меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаб чиқди ва уни амалга оширмоқда.

Маълумки, кун бўйи ҳаммо далада бўлади. Шу сабабли магазинларда фақат эрталаб барвақт ва кечқурунларигина савдо қилиш мумкин. Савдо ташкилотлари бунн ҳисобга олиб, ҳозирнинг ўзидаёқ бевосита далада савдо қиладиган 117 та кўчма савдо магазини, автолавкалар ташкил қилдилар. 198 бригаданинг дала шийпонида сотувчисиз савдо ларёклари ташкил этилди. Ана шу хилдаги кўчма магазинлар ва ларёклар сонини янада кўпайтириш назарда тутилади.

Далада ишлаётганларни иссиқ овқат, янги ёпилган нон ва чой билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳозирнинг ўзидаёқ колхоз ва совхозлардаги бригадаларнинг 464 тасини иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди. 185 жойда тандир қуриб нон ёпиш, 34 та пахта тайёрлаш пунктида эса ошхона ва чойхона ташкил қилинди. Яқин вақт ичида иссиқ овқат билан таъминланаётган бригадалар сони мингтага етказилди. Бригадаларда яна 115 та тандир қурилди. Тайёрлов пунктлари ҳузуридаги ошхона ва чойхоналар сони ҳам анча кўпайтирилади.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда районларнинг марказида бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 66 тонна нон ёпадиган 220 тандир ишлаб турибди.

Областимиз савдо ташкилотлари ва уларнинг барча ходимлари пахтакорларга савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, савдо маданиятини ошириш юзасидан барча зарур чораларни кўрадилар.

И. МЕДВЕДЕВ,
Тошкент область матлубот жамияти правленнеси раисининг ўринбосари.

ЖОЙИМИЗ—ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Ўзбек халқининг 3 миллион 170 минг тонна «оқ олтин» учун кураши умумхалқ курашига айланиб кетди. Шу туфайли йиғим-терим авж олдирилган ҳозирги кунларда пойтахт медицина ходимларининг бутун диққат-эътибори азамат пахтакорларга медицина хизмати кўрсатишдек шарафли ишга қаратилган.

Бундан бир неча кун олдин биз Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда йиғим-терим мавсуми давомида қишлоқ аҳолисига медицина-санитария хизмати кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни конкрет белгилаб олган эдик.

Ҳозирги кунда 300 га яқин медицина ходими пахта далаларида фидокорона меҳнат қилмоқда. Уларнинг ёрдами билан жойлардаги мавжуд касалхона ва медпунктлар фаолияти жонлантириб юборилди.

Октябрь районининг медицина ходимлари пахтакорларга хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ районларида хизмат қилаётган бу медицина ходимлари аввалдан тузиб қўйилган план асосида иш олиб бормоқдалар. Кейинги беш кун ичида дала шийпонларида ўндан ортиқ темада қизиқарли суҳбатлар ўтказилди. «Халқ соғлиги — юрт бойлиги», «Медицина-гигиенага тўла риоя қилайлик» деган суҳбатлар жуда катта қизиқиш билан тингланди.

Бўка райони колхозларига жўнаб кетган Кироз район медицина ходимларининг хизматидан ҳам колхозчилар миннатдор. Куйбишев, Ленин районлари медицина ходимларининг пахтакорларга кўрсатаётган ёрдамлари ҳам диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, Оққўрғон ва Гулистон районларидаги касалхона ва медпунктлар учун 7 та санитария машинаси ажратилди. Бу машиналар керакли асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан тўла таъминланган.

Бундан кейин ҳам азамат пахтакорларга медицина хизмати кўрсатиш диққат марказимизда бўлади.

В. ШОМИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

ПАХТАКОРЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН ДЕБ...

«Ташоблкниготорг» ходимлари пахтакорлар билан бир сафда бўлиш ва уларга намунали маданий хизмат кўрсатиш учун ўз ишларини бевосита пахта далаларига кўчирдилар. Колхозчиларнинг турли адабиётларга нисбатан ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, китоб пропагандасининг энг қулай форма ва воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бу йил пахта далаларида кўчма автолавкаларда китоб сотиш кенг йўлга қўйилди. Бу сотувчилар учун ҳам, ҳаридорлар учун ҳам жуда қўл келмоқда. Оржоникидзе, Пискент, Сирдарё, Чиноз ва Янгийўл районларида ишлаб турган автолавкаларда китоб савдоси намунали ташкил қилинган.

— Пахта йиғим-теримида фаол иштирок этаётган меҳнаткашлар учун бу йил ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ адабиётлар юборилди, — дейди «Ташоблкниготорг» бўлим мудири Ўртоқ Ш. Маликов. — Пахтакорларга бағишланган турли хил плакатлар кўплаб нашр қилинган эди. Ҳозирги кунда кўчма лавкаларда бу бадиий плакатлар ҳам сотилмоқда. Ўзбек ёзувчиларининг асарларига бўлган талаб тобора ортиб бораётганлигини эътиборга олиб, адабиётларни қўшимча равишда юбориб туришни кенг йўлга қўйдик. «Машъал», «Уч илдиз», «Фарғона тонг отгунча» каби бадиий асарлар белгиланганидан анча кўп сотилди. «Пахтачиликни комплекс механизациялаш», «Механизациянинг иқтисоди аҳамияти» сингари брошюралар ҳам колхозчиларнинг шахсий кутубхоналаридан ўрин олмоқда.

«Ташоблкниготорг»нинг районларда китоб савдоси билан шуғулланаётган ходимлари пахтакорларга адабиётларни сотиб олишлари учун барча қулай имкониятларни яратиб беришяпти.

М. ТУРОБОВА.

Оржоникидзе районидаги Қиб рай сельпоси пахта йиғим-терими даврида меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида автолавкалар ташкил этди. Автолавкалар бевосита далада савдо қилмоқда. Суратда: автолавка «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 21-бригадаси га келди.

В. Салов фотоси.

ЎРТОҚМОК

НОНИМИЗНИ ТУЯ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Ҳурматли «Ўртўқмоқ», ҳамма ерда коммунистик меҳнат зарбдорлари, бригадалари, цехлари, ҳатто корхоналари деган шарафли ном учун бошланган мусобақа соат сайин кенг қулоч ёйиб бораётир. Бу сенга, шу жумладан фабрикамиз директори Ўртоқ Войлошниковга ҳам аён.

Афсуски, фабрикамизда ҳатто социалистик мусобақа ҳам ташкил қилинмаган. Бунга балки ишонмассан? Ўртоқ Войлошников бошлиқ бўлибди-ки, корхонамизда на файз ва на меҳнатимизда барака бор. Нечундир социалистик мусобақа сўзини эшитганда, у кишининг тепа сочлари тикка бўлади.

Мабодо бирор ишчи оғзидан гуллаб, бу ҳақда оғиз очса борми, директор ҳам, касаба союз комитетининг раиси Старков ҳам бир оғиздан: «Нима, мусобақасиз кун кўролмайсанларми?»— дейишади.

Тер тўкиб меҳнат қилганингдан кейин, унинг натижаси билан ҳам қизиқасан, киши. Лекин бу биз учун қоронғи. Мана бир ярим йилдирки на ишлаб чиқариш ва на касаба союз йиғилиши ўтказилди.

Ёлғон бўлмасин, «Ташпромторг» товароведлари шу йил июнь ойида маҳсулот сифати юзасидан текшириш ўтказганларидан кейин шу масалани муҳокама қилишга тўпландик. Йиғилишга раислик қилувчи Ўртоқ Войлошников сифат масаласи унчалик муҳим эмас, уни кейинчалик бригадаларда муҳокама қилсак ҳам бўлади, деб ҳаммани тарқатиб юборди. Шундан буён қарийб тўрт ой ўтди. Шу ойлар мобайнида сифат ҳақида сўз очган кишининг, кимлигидан қатъий назар, паттаси қўлига тегаверди.

Партия ташкилоти секретари Екатерина Петровна Коркинанинг эри Коркин бизда токарь бўлиб ишлайди. Тўғри, у ойда бир кўринади. Шахсий устахонаси борми, ҳар ҳолда тайёр деталларни олиб келади-да, яна қумга сингган сувдек ғойиб бўлади.

Йиғув цехининг мастери Федотов ҳам жиғилдон деганда виждонни гаровга қўяди. Бу киши Коркинга ўхшаб тайёр ошга баковул бўлмасалар ҳам, қилинмаган ишларни нарядага тиркашга суяклари йўқ. Товба, ишламай тишлаган, оғримай ўлар, дейишарди. Лекин улардан иситма ҳам чиқмайди. Бу хуфя ишлардан директор бехабар дейсанми?

Ҳурматли «Ўртўқмоқ!» Сендан илтимос, коллективнинг фикрига қулоқ солмаётган Войлошников ва ишчилар ионини туя қилиб келаётган юқорида номлари саналган шахсларнинг жиловини бир тортиб қўйсанг.

А. МЕЛИХОВ, А. КАЛМИКОВ,
К. МИРСОАТОВ, А. МЯСНЯНКИН.
Тошкентдаги 4-мебель фабрикасининг ишчилари.

ЎЗИ ХОН, ҚЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Кечирасиз, Борис Иванович! Кечикиб бўлса ҳам янги вазифага ўтганлигингизни эшитиб, бошим кўкка етди. Тўғриси, аввалига ишонмаган эдим. Кўнглингизга келмасин, дурадгордан нонвой чиқанини эшитгандим-у, лекин нонвойдан дурадгор чиққани қулоғимга чалинмаган экан. Янглишмасам, қўлингизга ҳатто теша ҳам ушламагандирсиз. Ёғоч ишлаш ҳамир қориш эмас-да!

Узун қулоқ гапларга қараганда, думоғингиз ҳам анча шишиқирабди. Унча-мунча киши олдингизга бетлаб кира олмас эмиш. Саломга алик қадимий одат. Шуни ҳам тарк этибсиз-а! Қойил! Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Узоқ-яқиндан келиб ишлайдиган ишчи ва болали аёлларга хизмат қилиши лозим бўлган «ЕХ 32—65» номерли автобусни якка ўзингиз эгаллаб олганингизни эшитиб кўп ранжидим.

Сиз ном чиқарга бўлса керак, коллектив ўртасида туппа-тузук авж олиб турган социалистик мусобақани тақа-тақ тўхтатиб, йиғилишларнинг ҳар қандай турига хотима бериб, «яхши ташаббус» кўрсатибсиз. Корхонада харидорбоп эмас, балки «музейбоп» буюмлар тайёрланаётгани шу туф-йли бўлса ҳам ажаб эмас.

Ёдингизда бўлса керак, шу йил 19 дан 23 июнгача Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳузуридаги маҳсулот сифатини текшириш республика давлат инспекцияси ва давлат контроль ходимларидан иборат комиссия фабрикада тайёрланган бир ойлик маҳсулот сифатини текширган эди. Янглишмасам, 10 та шифоньер, 29 та диван, жами 51 та мебель буюми 31 номерли акт билан брак қилинган. Ана шунда сиз пинагингизни ҳам бузмай, «хўп тузатамиз» дедингиз-у, комиссия кетгач, билганингизни қилдингиз. Брак маҳсулотга «аъло» деб муҳур босилди-да, складга ўтказиб юборилди. Бундан мен ҳам, шунингдек бошқалар ҳам хабардор. Офарин, Борис Иванович, юрагингиз ўзи ҳам отнинг калласидек экан-да!

Йиғув цехининг собиқ мастери Федотов «қилинмаган ишларни қилинди» деб, ўзгалар номига қўшимча наряд ёздириб, халқ нонини туя қилиб келганидан воқибдирсиз, албатта.

Шу йил апрель, май ойларида дурадгор Мясняпкин номига 402 ва 500 сўм, январь ойида комсомол ташкилотининг секретари Исахўжаев номига 470 сўм, дурадгор Бакаев номига эса қўшимча 700 сўмга наряд ёздириб, исини чиқармай ҳазм қилиб юбориш ҳазилми? Федотов бу пулларни нафсига ураётганда сизга орқа қилгани рост. Бўлмаса ҳалигача бикинидан турти чиқмасмиди? Сиз унинг суянган тоғисиз.

Менга қаранг, Борис Иванович. Муғомбирлик ҳам эви билан-да! Уялмай, бу ишлардан хабарим йўқ, дейсиз. Ахир Федотов рухсатингизсиз бурнига қўнган пашшани ҳам безовта қила олмайди-ку! Сиз бузоқнинг ҳақи борлиги учун сигир сутини ичмайди, деб таъриф-лаб юрган мастернинг нафсини тийиб қўйишни сўраб райкомга арз қилган ишчилар — Мясняпкин, Мирсоатовларга мушт кўрсатиб, оғиз очирмай қўйган ким? Ўзлари эмасми? Ҳатто текшириш учун келган райком инструктори Ўртоқ Пиякин, бош инженерингиз Петров, партия ташкилотининг секретари Коркина иштирокида Федотов ўрнига, айбсиз айбдор ишчиларни тергов қилган ким? Ўзлари-ку!

Ўртоқ Пиякин ҳам санамай сакиз-деди-ю, оғзи қорага, қорани оққа чиқариб кетди

Партия ташкилотининг секретари Коркина бундай ножўя ишларни кўра-біла туриб «сен менга, мен сенга тегмай қабилида иш тутаётганлигининг ҳам жони бор экан. Ахир, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир деганларидек, унинг эри Коркин тер тўкиб меҳнат қилмай, қаердандир тайёр деталлар келтириб, ой сайин 1300-1500 сўмлаб пулни жарақлатиб олиб тургандан кейин... Қисқаси, Ўртоқ Коркина хўжалигини бошқаришда партия ташкилоти ролини ошириш ўрнига оғзингизга тикиладиган бўлиб қолган. Акс ҳолда бир ярим йилдан буён ҳатто бирор ойга ҳам иш плани тузмаганини нима деб тушунса бўлади?

Юк ташувчи, КПСС аъзоси Ўртоқ Юнусов шу йил март ойида рамкачи Каширин ўз номига қўшимча наряд ёздириб, давлатнинг 300 сўм пулини ўзлаштириб олганлиги ҳақида партия ташкилотига арз қилган эди. Партия ташкилоти прораб Алексеев, ёғоч тилиш цехининг мастери Наздрюхин ва учётчик Григорьян Ўртоқлардан иборат дабдабали комиссия тузиб, текшириб кўришни топширди. Текшириш натижаси ўзингизга маълум. Каширинни «бўшанг-ликда» айблаб, ҳайфсан бердирдингиз-да, соф виждонли Юнусовни «сир» очгани учун «ўз аризасига мувофиқ» деб, хамирдан қил суғургандай жўнатиб юбордингиз.

Эсингиздами, фабрикага янги келган вақтингизда: «Мен бор, қўл кучига эҳтиёж, механизациялашмаган бирор участка қолмайди», деб баландпарвоз ваъдалар берган эдингиз. Афсуски, ҳолва деган билан оғиз чучимас экан.

Складда транспортёр беш йилдан буён занг босиб ётибди. Тайёрлов цехининг ишчилари эса яккам-дуккам ўрнатилган у станок билан бу станок ўртасида ёғоч ташиб юришибди. Станочник Ўртоқ М. Аркасовнинг, жуда бўлмаганда станокларни тартиб билан қайта ўрнатсак, деган таклифига ҳам қулоқ солмадингиз. Нима ҳам дердим, ўзингиз хон, қўланкангиз майдон.

Механика цехининг рационализатори Ўртоқ П. Осипов пружина тайёрлайдиган автомат ихтиро қилган эди. Инки киши шу кунгача қўл кучи билан бир минутда битта пружина тайёрлаб келган бўлса, автомат билан шу вақт ичида 50 та пружина ясаш мумкинлиги тажрибада синаб ҳам кўрилди. Ана шунда ҳар бир пружинанинг қўлда ясалганидек 13 тийин эмас, балки 0,3 тийинга тушганини кўриб, «арзоннинг шўрваси татимайди» дедингиз-да юлдуз кўрсатмай «жон»ини олдингиз. Чунки бундан ҳар йили қўшимча 11 минг сўм тежаб қолинганн билан, сизга нафи тегмайди.

Борис Иванович, кўзингизни каттароқ очинг-да, фабрика территориясига бир назар ташланг. Ахир сиз коммунистсиз-ку! Наҳотки кам деганда 2-3 йиллар фойдаланилмай, қишин-ёзин очиқ ҳавода занг босиб ётган станокларни кўрмаётган бўлсангиз?! Афтидан сизга ўхшаб бош инженерингиз Ўртоқ Петров ҳам ҳали, техника етти йиллигимизнинг қаноти, деган шиорнинг маъносига етмаганга ўхшайди. Акс ҳолда у тап тортмай, ким бўлса шунга «қаердан биласиз, балки бизда бу станокларга эҳтиёж йўқдир» демаган бўларди.

Ҳурматли директор, сиз бошлиқ корхонадаги ҳангомалар менгаки етиб келган экан, Республика халқ хўжалиги кенгаши раҳбарлари қулоғига аллақачон чалингандир. Шунинг учун ҳам қўл остингиздаги соф виждонли ишчилар талаб қилганидек, адабингизни бевосита раҳбарларингиз бериб қўйишар деган умиддаман.

Камол эҳтиром билан
«ЎРТЎҚМОҚ».
Оққа кўчирувчи А. ШАЙХОВ.

УЯТ ЭМАСМИ?

Тонг отиши билан Турсун одати бўйича Олой бозорига отланади. Ёз бўйи меҳнат қилиб етиштирган ширин-шакар меваларини шаҳарлик дўсти билан баҳам кўриш учун деҳқонлар бозорга кириб келади. Ҳаммадан аввал Турсун уларнинг қаршисига пешвоз чиқади.

— Шафтолингиз сотиладими?

— Қовунинг килоси неча сўм?

— Арзимаган молга бозор ҳақи, тарози ҳақи тўлаб ўтирасизми? Чиқим-пиқимсиз менга ташлаб кетаверинг, деҳқонга шундай сурбетлик қилади у.

Турсун бугун ўзига Умрихон деган шерик топиб, 700 килограммдан ортиқроқ қовунни арзонга сотиб олди.

— Ҳозир бу ер «ола-ғовур» бўлиб турибди, ундан сўнг қовун жуда сероб, яхшиси «Ташсельмаш» заводи олдидаги бозорга олиб бориб пуллаймиз, — деди Умрихон.

Чайқовчилар қовунни машинага ортаётган вақтда қўлга тушишди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда яшовчи 18 ёшлик йигит Турсун Чағатоев бирон ерда ишламайди. «Ҳамкасабаси» Умрихон Қорахонова ҳам меҳнат қилмай пул топиш йўлига ўтиб олган. У Тошкентдаги 3-Боткинский проезд, 88-уйда туради.

Кишилар ҳақига хиёнат қилувчи бу гўсўйларга катта штраф солинди, моллари эса давлат ихтиёрига ўтказилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» матбуотидан

„Саёқ юрсанг, таёқ ейсан?“

«Буларнинг текинхўрлардан нима фарқи бор?» рубрикаси остида газетамизнинг 18 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган, танқидий мақола юзасидан редакциямизга кўплаб хатлар келди. Ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар тўйма-тўй юриб, совет санъаткори деган юксак номга доғ тушираётган бир тўда саёқ яллачиларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини қатъий қораламоқдалар.

Редакция ана шу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидан қуйидаги жавобни олди:

«Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан!» сарлавҳали танқидий мақолада Ўзбекистон Давлат эстрадаси артистлари Маъмуржон Узоқов, Фаҳриддин Умаров, Муҳаммаджон Мирзаев, Жуманазар Бекжонов, Асқар Убайдуллаев. Ўзбекистон радио ва телевидение комитетининг солисти Карим Мўминов ва бошқаларнинг адресига айтилган танқидий фикрларни тамомила тўғри деб ҳисоблайди. Буларнинг совет санъат ходими деган номга лойиқ бўлмаган нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги масала барча театрлар ва концерт ташкилотлари директорларининг иштирокида министрлик коллегиясининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди.

Коллегия Санъат Бош бошқармаси ҳамда барча театр ва концерт ташкилотлари раҳбарлари зиммасига бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ёрдами билан ижодий коллективларда снёсий-тарбиявий ишларни кескин кучайтириш вазифасини юклади. Санъат ходимининг йўлдан адашганлиги, давлат интизомини бузганлиги аниқланиб қолинган тақдирда унинг фаолиятини дарҳол коллектив умумий йиғилишларида кенг муҳокама қилиш, жамоатчилик судларидан фойдаланиш, жамоатчилик фикрига қулоқ солмайдиган «ман-ман» шахсларга эса ҳатто ишдан бўшатиш ва фахрий унвонларидан маҳрум этишгача чора кўриш лозим деб топилди. Ўзбекистон Давлат эстрадаси дирекциясига мақолада келтирилган фактлар юзасидан, тўйма-тўй юрувчи бошқа артистлар ҳақидаги масалани қўшимча муҳокама қилиш ва тегишли чоралар кўриш тўғрисида кўргазма берилди.

Санъат Бош бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Камолитдиновга жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар илтимосига кўра, маданият саройларида, клубларда, тўйхашамларда санъат ходимларининг хизмат қилишини тартибга солиш вазифаси топширилди. Шунингдек бошқармага ана шу ҳақда бир ой муддат ичида тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни министрлик коллегиясида муҳокама қилиш учун тақдим этиш юклатилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министри.

С. МУҲАМЕДОВ».

БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 10 — 54 минутда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XV сессиясининг эрталабки мажлиси очилди. Умумий сиёсий дискуссия давом эттирилди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва бошқа социалистик мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари мажлис бошланмасдан анча олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биносига келдилар. Улар мажлисдан олдин Бош Ассамблея биносида 15 минутча суҳбатлашиб ўтирдилар.

Камбоджа короллиги давлатининг бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук мажлисда биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Камбоджа, деди у, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясига жуда катта аҳамият бермоқда. Бу сессиянинг аҳамияти бундан олдин сўзлаган нотиқларнинг нутқларида кўрсатиб ўтилди ва бу сессия шунчалик юксак доирада ўтказилаётганлиги ҳам унинг аҳамиятини кўрсатувчи фактдир. Халқаро кескинлик юмшаб турган даврдан кейин «совуқ уруш» яна бошланиб кетганлигига қарамай, деди Камбоджа делегациясининг бошлиғи, шу қадар кўп давлатларнинг раҳбарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихида биринчи марта бу сессияда ҳозир бўлиб турганлиги, бизнинг фикримизча, зўр умидворлик манбаидир.

Шаҳзода Нородом Сианук сўнгра дедики, Камбоджа бутунлай мустақил сиёсат ўтказмоқда ва ҳар қандай блокка қўшилишдан қатъиян бош тортмоқда. Бутун дунё халқлари каби Камбоджанинг тинчликсевар халқи ҳам, деди у, қуролсизланиш проблемаси ҳақида кўп ташвиш тортмоқда.

Камбоджа делегациясининг фикри шуки, қуролсизланишнинг деталлари масаласида Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида гарчи «келишмовчиликлар мавжуд бўлсада» уларнинг ҳар иккови ҳам «қуролсизланиш ҳаётий зарур ишдир деган истакни» айтдилар.

Шу сабабли, деди сўнгра Нородом Сианук, Бирлашган Араб Республикасининг президенти мутлақо тўғри таъкидлаб ўтганидек, бу умумий истак амалга оширилиши зарур. Камбоджанинг фикрича, деди у, бунинг учун бош Ассамблея атом қуролига эга бўлган давлатларга бутун дунё халқларининг ҳақиқий ҳис ва туйғуларини айтиб, бу ишга катта ва ҳатто ҳал қилувчи ҳисса қўшуви лозим.

Биз бу Ассамблеянинг эътиборини шу фактга жалб қиламизки, деб давом қилди Нородом Сианук, қарийб 700 миллион кишидан иборат бўлган халқнинг қонуний вакилларини, куч-қудрати ўсиб бораётган миллатнинг вакилларини халқаро конференцияларда қатнаштирмай туриб, улуғ проблемаларни, биринчи навбатда уруш ва тинчлик проблемасини ҳал қиламиз деб ўйлаш ва Хитой Халқ Республикасини назар-эътибордан четда қолдира бериш беҳуда ва бемаъни ишдир.

Муайян доиралар, деди Нородом Сианук, Хитойни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритишга муттасил қарши чиқмоқдалар. Тибет «масаласини» ва чегара тўғрисидаги Хитой — Ҳиндистон низоларини важ қилиб, ўзларининг бу бемаъни позицияларини оқлашга уринмоқдалар. Лекин, деди Нородом Сианук, чегара масаласида энг манфаатдор томон бўлган ва Тибетдаги воқеалардан энг яхши хабардор мамлакат бўлган Ҳиндистон Хитойни бу улуғ ташкилотга қабул қилиш зарур, деган ўзининг қатъий фикрида туриб келмоқда.

Нородом Сианук дедики, мен Конгодаги кўнгилсиз воқеаларни шархлаб ўтмоқчи эмас эдим. Камбоджа ҳукумати, деди у, Леопольдвилни ўзига пойтахт қилиб олган ягона Конгони таниди. Мамлакатнинг парчаланишини рағбатлантириш мақсадида четдан туриб қилинаётган уринишларни ички сепаратизм сира оқлаши мумкин эмас.

Камбоджа делегациясининг бошлиғи Франция ҳукуматини Жазоирдаги урушни тўхтатиш тўғрисида, Жазоир Республикасининг муваққат ҳукумати билан тезроқ битимга келишга чақирди.

Камбоджа делегациясининг бошлиғи Лаосда Вьентьяндаги қонуний ҳукуматга қарши кўтарилган исённи чет давлатлар рағбатлантираётганлиги, ҳатто қувватлаётганлиги тобора очиқ ва равшан бўлиб қолаётганлигидан ташвишланаётирмиз, деди. У Лаосни бетараф мамлакатга айлантириш, унинг бирлиги ва территориал бутунлигини халқаро миқёсда таъминлаш лозим деган фикрни айтди.

Сианук дедики, Камбоджа блокларидан ва ҳарбий «мудофаа» ташкилотларидан четда турибди. Бутун халқимизнинг истаги шуки, бу ерда давлатлар Камбоджанинг бетарафлигини фақат сўзда эмас, шу билан бирга амалда ҳам узил-кесил ва абадий эътироф қилишлари лозим деймиз, чунки бетарафлик Камбоджанинг мустақил ва эркин давлат бўлиб яшашини таъминлайдиган бирдан-бир гарантиядир.

Н. Сианук тинчлик манфаатларини кўзлаб, Шарқи-Жанубий Осиёда Лаос ва Камбоджадан иборат бетараф зона вужудга келтириш кераклигини айтди.

Сианук «эркин дунё» деб аталган мамлакатлардаги матбуотда, икки лагерь ўртасидаги «рақобат» бетараф мамлакатларга манфаат етказади, деб айтилаётган фикрларни масхара қилиб кулди. Сианук Америкадаги «Тайм» журналида ёзилган қуйидаги гапларни келтирди: «Сианук ёрдам тўғрисида иккинчи қоидани кашф қилди: у ҳамиша ўзини овқатлантириб турган қўлни тишлаб олмоқда».

Камбоджа делегациясининг бошлиғи ғазабланиб бундай деди: шуни билиб қўйиш керакки, мен бизнинг халқимизга ёрдам қилаётганларнинг қўлини тишлаётганим йўқ, балки бошқа қўлни — бизни бўғиб ўлдиришга уринаётганларнинг қўлини тишламоқдаман. Мен ҳар қанча яхши ниятли бўлсам ҳам, бизга расмий ёрдам кўрсатаётган мамлакатларга нисбатан ҳар қанча дўстлик қилаётган бўлсам ҳам, лекин биз ўзимиз талаб қилмаётган ва бизнинг мустақиллигимизга, территориал бутунлигимизга ҳамда бизнинг миллий бирлигимизга бевосита таҳдид қилаётган бошқача «ёрдам»дан кўз юмиб бўлмайди. Сианукнинг бу сўзларини кўп делегатлар қарсак чалиб кутиб олдилар.

Тинч-тотув яшаш, деди Камбоджа делегациясининг бошлиғи, кун тартибида турибди. Тинч-тотув яшаш ўз сиёсатини бошқа халқларга зўрлаб қабул қилдиришга уринишдан расмий воз кечишни таҳоза қилиши лозим.

Шаҳзода Сианук совет кишиларини Камбоджанинг улуғ дўстлари деб айтди ва совет кишиларини илм-фан соҳасида эришган жуда катта муваффақиятлари билан табриклади.

Шундан сўнг Буюк Британия бош министри Макмиллан сўзга чиқиб айтдики, Бош Ассамблеянинг XV сессияси халқаро ишлар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганидан бери ҳеч қачон сессияларимизнинг биронтасида шу қадар кўп халқаро арбоблар ҳозир бўлмаган эди ва шу сессияларимизнинг биронтаси жамоатчиликнинг шу қадар кенг эътиборини ўзига тортмаган эди, деди Макмиллан.

Макмиллан сўзини давом эттириб бундай деди: Бош Ассамблея делегатлари икки нарсадан бирини қилишлари керак: ё бир-бирларини беҳуда айблаш ва қоралаш билан шуғуллана беришлари, ёки аҳлга сиғадиган далиллар келтириб, олдимизда турган кўп проблемаларни амалий ҳал қилиш йўлини топишга уринишлари керак.

Бироқ, Англия бош министри Ассамблеяда муҳокама қилинаётган конкрет проблемаларга ўтиши биланоқ дарҳол Қўшма Штатларнинг фикрини маъқуллашга киришди. У, жумладан, президент Эйзенхауэрнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тўғрисидаги таклифларини табриклаб, бу таклиф тангликларни тугатиш ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатларини камайтиришга эмас, балки кўпайтиришга қаратилган таклифдир, деди. Макмиллан бош секретарлик лавозимини уч кишидан иборат бўлган секретариат билан алмаштириш тўғрисидаги совет таклифи бошқа мақсадларни кўзлаб қилинган таклиф, деб ва шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг кўпчилигига мақбул бўлмайди, деб даъво қилди.

Макмиллан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўшинларидан Африкадаги бу ёш мамлакатда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилаётган давлатлар томонидан қўйилган одамларни қувватламоқ учун фойдаланилаётганлигини маъқуллади. Бирлашган короллик ҳукумати, деди у, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгода кўрган чоралари ўз вақтида кўрилган чоралар бўлди ва бу ҳаракатлар давом эттирилиши лозим, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Макмиллан бош секретарнинг фаолиятини мақтаб, «унинг ғайратига, ишбилармонлигига ишонч» билдирди.

Сўнгра Макмиллан буюк давлатлар раҳбарларининг музокаралар бошлаши мумкинлиги масаласига ўтди. Макмиллан бу сессия яхшиликка томон бурилиш бошлаб бериши мумкин, деди. Макмиллан, мен оптимистман, деб айтди ва Совет ҳукуматининг бошлиғи билан музокаралар олиб бормоқ учун Москвага борганлигини эслатиб ўтди. Хрушчев билан олиб борилган бу муҳим музокаралар натижасида, деди у, бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган мамлакатларнинг раҳбарлари ўртасида бир қанча визит алмашувлар бошланиб кетди. Бу йўлда сарфланган куч-ғайратлар Парижда юксак доирада кенгаш ўтказиш билан натижаланади, деб умид қилинган эди. «Парижда нималар бўлганлиги ҳаммамизга маълум, — деб давом қилди Макмиллан. — Ҳозир бир-биримизни айблашимизнинг ўрни йўқ. Лекин бу кенгаш барбод бўлганлиги натижасида ноумид бўлиб қолган жаҳон халқлари биздан бу мувaффақиятсизликни енгиб бутун ишни яна бошидан бошлашимизни кутмоқдалар». Макмиллан, юксак доирада кенгаш чақиришга яна ҳаракат қилиб кўрилади, деб умид билдириб, Ғарб давлатларининг раҳбарлари Парижда эълон қилган баёнотда, бизлар музокараларни бошлашга тайёрмиз, деб ёзилган сўзларни ўқий бошлади.

Совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев шу пайтда ўз жойидан туриб, луқма ташлади:

— «У-2»ни юборманглар, агрессияга йўл қўйманглар.

Сўнгра Англия бош министри одамлар ўз олдиларида турган иқтисодий-ижтимоий, медицина ва қишлоқ хўжалик проблемаларини ҳал қилиш ўрнига бир-бирлари билан жанжаллашиш ва урушишлари беҳуда деган мазмунда анча мавҳум гапларни айтди.

Макмиллан «юз йилдан кўпроқ вақтдан бери бизнинг мақсадимиз қарам территорияларни мустақилликка олиб келишдан иборат бўлиб келди», деб даъво қилди. Бироқ, Макмиллан Африка халқлари ўз кучлари билан мустақилликка эришганликларини эътироф қилишга мажбур бўлди. Макмиллан Англиянинг Африкадаги территорияларида мустамлакачилар билан мустамлакачилик қурбонлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни чиройли сўзлар билан тасвирлаб кўрсатишга уринди.

Макмиллан, Ғарбий Германия реваншистларининг позициясини ҳимоя қилишдек хунук ролни бажаришини ўз зиммасига олди. У, Польша ва Чехословакия делегацияларининг бошлиқларини айблаб, уларда бу масалада «келишиш руҳи» етарли бўлмади деб даъво қилди. У ҳаммага маълум фактларга зид гапларни айтиб, Ғарбий Германия «ўз қурол-яроғларининг характери ва ўз кучларини кенгайтириш соҳасида қатъий чеклашларни қабул қилишга» тайёр, деб даъво қилди.

Макмиллан НАТО, СЕНТО, СЕАТО агрессив ҳарбий иттифоқларини ҳимоя қилиб, бу иттифоқларнинг мудофаа мақсадидан бошқа ҳеч қандай мақсади йўқ, деб даъво қилди.

Ғарб давлатларининг бошқа вакиллари каби Макмиллан ҳам қуролсизланиш масаласи ўрнига қуролланиш устидан контроль ўрнатиш масаласини биринчи ўринга қўйишга уринди кўрди.

Совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев шу пайтда ўрнидан туриб луқма ташлади:

— Қуролсизланишни қабул қилинглар, биз ҳам ҳар қандай контролни қабул қиламиз.

Макмиллан Ғарб давлатларининг ҳукуматлари қуролсизланиш соҳасида ўзлари реал чоралар кўришни истамаётганликларини ниқобламоқ учун контроль тўғрисида гап сотиш билан шуғулланаётганликларини инкор қилишга уринди.

Макмиллан қуролсизланиш тўғрисида ҳеч қандай конкрет таклиф киритмади.

Сўнгра Австрия Ташқи ишлар министри Б. Крейский сўзга чиқди. Б. Крейский, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихида илгари ҳеч қачон шу қадар кўп давлатларнинг ёки ҳукуматларнинг бошлиқлари бош Ассамблея сессиясида сўзга чиқмаган эди, деди, шу фактнинг ўзи ҳам бу йилги Ассамблеяга, ҳеч шубҳасиз алоҳида аҳамият бағишлайди. Крейский буюк давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилиши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Австрия Ташқи ишлар министри бу мақсадга эришиш йўлида биринчи қадам тариқасида ядро қуроли синовлари устидан контроль ўрнатиш масаласини ҳал этишни таклиф қилди.

Крейский, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида шу вақтгача Германия қатнашмаётганлиги тўғрисида ва «Хитойнинг вакиллиги масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма аъзоларини қаноатлантирадиган тартибда шу вақтгача ҳал қилинмаганлиги» ҳақида афсусланиб гапирди. Крейский ўз нутқининг охирги қисмини Италияда озчиликни ташкил этган тиролликлар аҳволига бағишлади.

Шу билан Бош Ассамблеянинг эрталабки мажлиси ёпилди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 29 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг кундузги ялпи мажлисида Покистон делегациясининг бошлиғи, ёқилғи, энергетика ва табиий ресурслар министри Зулфиқор Алихон Бхатто биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Бхатто жаҳондаги кўп мамлакатлар ҳукуматлари ва давлатларининг бошлиқлари Бош Ассамблеянинг бу сессияда қатнашаётганлиги, шунингдек Африка мамлакатларининг катта группаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари сафига қабул қилинганлиги сабабли бу сессиянинг алоҳида аҳамияти борлигини уқтириб ўтди.

Али Бхатто қирғин ядро уруши хавфи тўғрисида гапириб, қуролсизланиш проблемасининг жуда катта аҳамияти борлигини таъкидлади. Покистон вакили ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартноманинг Н. С. Хрушчев тақдим этган асосий қоидаларини ижобий руҳда шарҳлаб гапирди. У, Совет Иттифоқи қуролсизланишнинг биринчи босқичида ядро қуролини элтиб қўювчи воситаларни йўқ қилиш билан бир қаторда, қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартишни таклиф қилганлигини айниқса уқтириб ўтди. Бу сессиянинг ўзига хос вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, деди А. Бхатто, Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар қуролли кучларининг ва қурол-яроғларнинг миқдорини камайтириш тўғрисида Шарқ билан Ғарб ўртасида принцип эътибори билан битимга келишиш лозим. Сўнгра бошқа буюк давлатларнинг қуролли кучларини қисқартиш тўғрисида музокаралар бошланиши керак.

А. Бхатто қуролсизланиш комитетига бетараф мамлакатларнинг вакилларини киритиш йўли билан бу комитетни кенгайтириш тўғрисидаги совет таклифларини маъқуллади.

Кам тараққий этган бошқа мамлакатлар каби Покистон ҳам, деди Бхатто, иқтисодий тараққиёт соҳасида жуда катта қийинчиликларга учрамоқда. Шу муносабат билан Бхатто дедики, бошқа мамлакатларга Совет Иттифоқи кўрсатаётган иқтисодий ёрдамнинг Хрушчев нутқида айтиб ўтилган шартлари «жуда мақбул шартлардир». Покистон вакили хомашё ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жаҳон бозорларида тобора кўпроқ қийинчиликларга учраётганликлари ҳақида гапирди.

Бхатто кам тараққий этган мамлакатлар билан саноати тараққий этган мамлакатлар ўртасида ташқи савдонинг қисқарганлигини кўрсатиб, агар бундай аҳволнинг олди олинмаса, тузукроқ тараққиёт бўлиши мумкин эмас ва хомашё ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўзларининг ҳозирги турмуш даражаларини сақлаб турмоқ учун чет давлатлар ёрдамига ҳамиша қарам бўлиб қола берадилар, деди.

Бхатто Конгодаги аҳволга тўхталиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг позициясини қувватлади. Бироқ у Конгодаги тартибни тиклаш масаласида Африка давлатлари етакчи роль ўйнашлари лозим, деди. У Жанубий Африка Иттифоқи ҳукумати ўтказаётган ирқий камситиш сиёсатини қоралади ва Жазоир халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги француз декларацияси қуруқ сўз бўлиб қолганлигига афсусланамиз, деди.

Эквадор вакили Хосе Чирибога сўзга чиқиб айтдики, бир қанча давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари бу сессияда қатнашаётганлиги БМТнинг обрўсини мустаҳкамлайди, халқларнинг тинчликка эришиш тўғрисидаги умидларини мустаҳкамлайди деди. Чирибога, улар пропаганда мақсадларини кўзлаб бу сессияда қатнашмоқдалар деган фикр нотўғридир, деди.

Чирибога ўз нутқининг анчагина қисмини Амазонка дарёси водисидаги территория тўғрисида, Эквадор билан Перу ўртасида бўлаётган можаронинг тарихини баён қилишга бағишлади.

Ливия делегати Муҳиддин Фикини сўзга чиқиб, Ливия халқи Африка ва Осиё мамлакатларининг халқлари билан бирдам эканлигини айтди ҳамда Ливия ҳукумати Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан келишиш ва ўзаро ҳурматлаш йўлидан боришга интилаётир, деди.

Фикини Африка халқларини энг кўп безовта қилаётган проблемаларга тўхталди. У Франция ҳукуматининг Жазоирда мустамлакачилик уруши олиб бораётганлигини қоралади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз бурчини адо этиши ва Жазоир масаласини Жазоир халқининг мустақиллиққа ва ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқи асосида умумий овозга қўйиш ўтказиш йўли билан ҳал қилишни таъминлаши лозим бўлган пайт келди, деди у.

Фикини Конго Республикасининг бирлигини ва территориал бутунлигини сақлаб қолиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Ливия делегати Жанубий Африка Иттифоқидаги ирқий камситиш Ливия халқини жуда ташвишга солаётганлигини айтди. Пировардида Фикини, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ҳалқаро проблемани — қуролсизланиш проблемасини ҳал қилиб беришда муҳим роль ўйнаши лозим деб таъкидлади.

Сўнгра Непал бош министри Б. П. Коирала сўзга чиқди. Коирала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги аъзоларини табриклаб, ҳанузгача мустамлакачилар ҳукмронлиги остида қолиб келаётган мамлакатлар тез фурсатда мустақиллик олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўз ўринларини эгаллайдилар, деб умид билдирди.

Непал бош министри, модомики Хитой Ҳалқ Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўзининг қонуний ўрнини олмас экан, бу ташкилот чинакам универсал ташкилот бўлиб қолиши мумкин эмас, деди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деган сўзлар бор деди, Коирала, лекин 630 миллион кишининг вакиллари бу ташкилотда ўз ўрнини олмас экан, уни жаҳон халқларининг вакили деб ҳисобланиши мумкин эмас. Худди шунингдек, деди Коирала, Мўғулистон Халқ Республикасининг ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотида жой олишга мутлақо қонуний ҳақи бор.

Коирала Жазоирга мустақиллик бериш кераклигини қатъий қилиб айтди. У Франция президенти де Голлнинг ўтган йил Жазоирга берган тантанали ваъдаларини бажармаганлигини кўрсатиб ўтди.

Коирала Конгодаги аҳвол ҳақида гапириб, Африкадаги бу давлатнинг территориал бутунлигини ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Непал бош министри бош секретарни уч кишидан иборат секретариат билан алмаштириш тўғрисидаги совет таклифига қарши чиқди.

Пировардида Коирала қуролсизланиш проблемасига тўхталиб, бу проблемани ҳал қилиш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Биз, деди у, самарали контроль ўрнатилган ҳолда ёппасига ва батамом қуролсизланиш бемалол мумкин деб ҳисоблаймиз. Коирала Н. С. Хрушчевнинг қуролсизланиш натижасида тежаб қолинган маблағлар кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга сарфланиши лозим, деган таклифини эслатиб, бу иш жиддий ва конструктив қадам эканлигини таъкидлади.

Кундузги ялпи мажлиснинг охирида Либерия давлат секретари Рудольф Граймс сўзга чиқди. У қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Эндиликда жаҳон, деди Граймс, урушни сиёсат ўтказиш воситаси деб бундан буён ҳисоблаш мумкин эмас.

Либерия делегациясининг бошлиғи Жазоир ва Конго проблемаларига тўхталиб, ҳар қандай формадаги мустамлакачилик аста-секин ва огриб ўлиб бормоқда, деди. Мустамлакачилик қарам ва қул қилинган халқлар ҳаётининг ҳамма томонларида ўз изини қолдирмоқда. Либерия вакили Конгодаги аҳволга афсусланганлигини билдирган бўлса ҳам, лекин, менинг мамлакатим Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўшинларига Африка қўмондонлиги бош бўлсин, деган таклифни қувватлай олмайди, деди.

Ассамблеянинг эндиги ялпи мажлиси 30 сентябрда бўлади.

Тошкент янгиликлари

Коммунистик меҳнат цехи номи берилди

Пойтахтимиздаги кўпгина цех, бригада ва корхоналар коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун астойдил курашмоқдалар. Яқинда Тошкент тепловоз депосининг кўтарма ремонт цехи коллективи ана шу юксак номни олишга муяссар бўлди. Коллектив бу юксак номга фидокорона меҳнат туфайли эришди.

Цехда ойлик топшириқлар сурункасига ортиғи билан бажарилмоқда. Меҳнат унумдорлиги ошиб, ремонт ишлари таннархи камаяётир. Цех рационализаторлари ишлаб чиқариш процессларини механизациялашга жиддий эътибор бермоқдалар.

Коллектив орасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш яхши йўлга қўйилган. 90 ишчидан 30 киши олий ўқув юртларида, техникумларда ва ишчи-ёшлар мактабларида ўқимоқда. Слесарь С. Одилхонов ва цех мастери ёрдамчиси У. Аҳроев Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлаш арафасида турибдилар.

Нашриёт етти соатлик иш кунига ўтди

Тошкентдаги ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти кечадан бошлаб етти соатлик иш кунига ўтди. Нашриёт ишчи, хизматчилари эндиликда яна бир соат қўшимча бўш вақтга эга бўладилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг дунёда энг қисқа иш куни жорий қилиш тўғрисидаги ғамхўрлигидан руҳланган нашриёт коллективи 1961 — 1962 ўқув йили учун мўлжалланган дарсликларни муддатидан анча илгари тайёрлашга бел боғлаб, ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Кўча—Шомаҳмудовлар номида

Шоаҳмад ака ва Баҳри опанинг номи бутун мамлакатга маълум. Уларнинг ҳар иккаласи турли миллатга мансуб 14 болани ўз фарзандлари қилиб тарбиялаб, юксак олижаноблик намунасини кўрсатдилар. Тошкент шаҳар ижроия комитети пойтахтимиздаги янги кўчалардан бирига Шомаҳмудовлар номини бериш ҳақида қарор чиқарди.

Бу кўча ана шу машҳур оила уйи олдидан ўтади. Кейинги йилларда бу ерда катта ўзгаришлар рўй берди. Атроф обод бўлиб, ҳашаматли бинолар қад кўтарди.

Донг чиқарган темирчи хонадони янги уй-жой районининг ўзига хос маркази бўлиб қолган. Кечқурунлари Шоаҳмад аканинг уйи доимо меҳмонлар билан гавжум бўлади. Қўшнилар ана шу кўпмиллатли оиладек аҳил ва бахтиёр ҳаёт кечиришни орзу қиладилар.

Бу оила ишчилар синфи сафига икки кон мастери, икки бинокор, электрчи, тикувчи-моторчи каби турли касб эгаларини етказиб берди. Ҳозир ўрта мактабда ўқиётган болалар ҳам оиладаги катталардан ўрнак олиб, саноатга оид ҳунарлар эгаллаш иштиёқида. лар. (УзТАГ).

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драм театрининг янги 41-мавсуми ёзувчи Иззат Султоннинг «Имон» спектакли билан бошланди. Суратда: ана шу спектаклдан бир кўриниш.

А. Абдалиев фотоси.

Телевизор экранида

2 ОКТЯБРДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».
12.20. Инглиз тилидан ўзбек тилида тўртинчи дарс.
12.50. «Ёшларга Ленин васиятлари». Ўзбек тилида ижтимоий-сиёсий эшиттириш.
13.10. «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак» — мультипликацион фильм.
13.40. «Париж миллий кутуб хонаси».
18.30. Сўнгги ахборот.
18.55. Оперетталардан парча ва ариялар.
20.25. «Янги Деҳли» — ҳинд кинокомедияси (2-серия).
21.55. Қорақалпоғистон давлат филармонияси ашула ва рақс ансамблининг концерти.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/Х да кундуз **Этик кийган мушук**, кечқурун **Шопениана** ва **балетлардан парчалар**, 4/Х да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/Х да кундуз **Тоға-жиянлар**, кечқурун **Гамлет**, 4/Х да **Ҳуррият.**

Одам қони сув эмас — қишки «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут ва кундуз 2 да), ёзги «ВАТАН» (кеч 7-40 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 10 да).

Мистер Питкин душманнинг орқа томонида — қишки «ВАТАН» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 6 да), ёзги «ВАТАН» (кеч 9 яримда).

Минг қиёфага кирган киши — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), қишки «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 10 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8 ярим ва 10 яримда).

Катта умидлар — «МИР», қишки НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), ёзги НАВОИЙ номли (кеч соат 7-40 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 8 да).

Хатимизни кутинг — «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» (кеч соат 7-40 минут ва 9 яримда).

Буюк Карузо — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50 минутда).

Отряд командири — «СПУТНИК» (кундуз соат 4, 5 ва кеч 6 да), «ПОБЕДА» (кеч 7-40 минут ва 9 яримда).

Биринчи синов — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8 да).

Суиқасд — ёзги НАВОИЙ номли (кеч соат 9 яримда).

Бабетта урушга боради — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 7-40 минут ва 9 яримда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8 яримда).

Малахов қўрғони — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 10 да).

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

ШАНБАДАН ДУШАНБАГАЧА

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — **Золтан Хегедюш.**
Режиссёр — **Дьюла Месарош.**
Оператор — **Янош Тот.**

Ролларда:
Марианна Моор, Мани Кишш, Йожеф Бихари, Ева Ваш, Ирен Шютэ, Магда Габи, Йожеф Ланг, Жигмонд Фюлэп, Эржи Пастор, Андраш Брук, Габриэлла Ласлолар қатнашади.

Фильмни Венгриянинг «Гунния» киностудияси 1959 йилда ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри — **А. Кудрявцева**, овоз оператори — **Н. Бажанов.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

катта цирк тамошалари

Артист ака-ука

ШИРМАНЛАР

қатнашади.

Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЛИМИГА

холодильник установкалари инженери, инженер-теплотехник, электромонтёрлар, слесарлар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, юкчилар, отбоқарлар

керак

Мурожаат учун адрес: Педагогик кўча, 28/30-уй.

«ТАШПРОМТОРГ»ГА

савдо автоматлари ва касса аппаратларига қараб туриш учун механиклар, транспорт ишчилари

КЕРАК

Сталин кўчаси, 41-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Байналминал кўча, 14-уйда турувчи **Октябрь Тараққиёвнинг** Қатортол кўча, Иқтисод проезд, 46-уйда турувчи Муҳаббат Маҳмудовна Юнусбековадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қури лиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 07208. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурҳ» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1885.